34-боб. Қилганига яраша жавоб қайтарган силаи раҳм қилувчи эмас

12:36 / 03.04.2019 2646

68. Аъмаш, Ҳасан ибн Амр ва Фитрдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қилганига яраша жавоб қайтарган силаи раҳм қилувчи эмас. Силаи раҳм қилувчи – бу қариндошлари алоқани узганида уни боғлаган кишидир», дедилар».

Шарҳ: Яъни бошқалар ундан қариндошлик алоқасини узса ҳам, у силаи раҳм қилаверади. «Сиздан угина, биздан бугина» деган ниятда бўлса, «У қилса, мен ҳам қиламан» деса, мукофот учун қилган бўларди. Бундай одам силаи раҳм қилган ҳисобланмайди.

Қариндоши ёмонлик қилса ҳам силаи раҳм қилаверган одам ҳақиқий силаи раҳм қилувчи бўлади. Бу ерда жуда катта гап бор. Ҳозирги кунда қариндошлик алоқаларининг бузилишига кўпинча ана шу омил, яъни «У қилса, мен ҳам қиламан, у қилмаса, мен ҳам қилмайман», деган тушунча сабаб бўлмоқда.

Лекин ушбу ҳадиси шарифга амал қилинса, «Майли, бошқалар қилмаса қилмасин, лекин бу менинг бурчим, қилавераман», деб силаи раҳмни давом эттираверса, бир-икки марталик ҳаракатдан кейин нариги тараф ҳам «Бу қиляпти, мен ҳам қилмасам, уят бўлади» деб, алоқалар икки томондан ҳам йўлга қўйилади.

Мусулмонлик бурчини англаб етган киши бу ишни аввалроқ қилишга уринади. Натижада ҳеч қачон қариндошлик, дўстлик, биродарлик алоқалари узилмайди.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Қариндошлик алоқаси фойда кўзланган муносабат эмас, балки ҳақиқий инсоний алоқа экани.

2. Қариндошлар алоқани узганда ҳам, мўмин-мусулмон киши силаи раҳмни узмаслиги лозимлиги.

«Одоблар хазинаси» китобидан